

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

Андижон

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

Корхонанинг дастлабки маҳсулоти кўзқўз қилинган кун ёддан чиқмайди. Ушанда корейлик мухассис Д.Пак шундай деганди: «Корейга борсам, дўстларим: «Ўзбекистонни жаннатмакон юрт дейишади. Бу қанчалик тўғри?» қабилдаги саволлар беришди. Шунда ўзбеклар истеъдодли, меҳнатсевар, аини пайтда мақсад сари дадил интиладиган кишилар эканлигини тўққинлаб ҳикоя қилдим.

Давр мўъжизаси — бу ажайиб корхона ишчи-хизматчилари эришаётган ютуқлар юқоридаги фикрни яққол тасдиқлайди. Дастлабки кезлар касаб уюшма фаолияти ҳақида мунозаралар кўп эди. Баъзилар

унинг бўлиши шарт эмас, деган фикрни ҳам айтишгача боришди. Бирок, ҳаёт бу янглиш фикр эканлигини кўрсатди. Хозирги кунда ишчиларни ижтимоий ҳимоялашда энг оммавий ташкилотнинг ўрни алоҳида бўлаяпти. Корхонада 60 фоиз жараён роботлар ёрдамида амалга оширилади. Шунда ҳам салкам 4 минг киши тинимсиз иш билан банд. Улар алоҳида меҳрибонлик билан куршаб олинган. Замонавий ошхонамизда сифатли, бепул таом тайёрланади. Хар бир цехда 2-3

тадан дам олиш хонаси мавжуд. Ёшлар танаффус пайтида махсус жиҳозланган хонада шахмат-шашка ўйнашлари, газета-журналларнинг

янги сонларини мутолаа қилишлари мумкин. Хар йили ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўрта ҳисобда 200 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланмоқда.

Корхона йил сайин кенг қанот ёзмоқда. Сўнги йилларда қатор вазирликларнинг буюртмасига кўра автомобилларнинг махсус русумлари тайёрланмоқда. Шунингдек, харидорлар талаби ҳам инобатга олинапти. Аини кунларда иноқ жамоамиз «Матиз» русумли ажойиб автомобилни ишлаб чиқариш устида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Мирфозил ОЛИМОВ, Асакадаги «ЎзДэуавто» кўшма корхонаси касаб уюшма кўмитаси раиси.

Мўъжизақор йиғитлар



Бизнинг номзодлар

ФИДОЙИ

Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 36-Ниёзботир сайлов округидан беш номзоднинг бири бўлиб, журналист Шукрулло Неъматов рўйхатга олинган. Хўш, «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг қайси сифатларини ҳисобга олди экан?

Шукруллонинг яхши фазилатларидан бири - ҳаётий муаммоларга лоқайд эмас, ўз ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилиш йўлини қидиради, яхши гоёларни, тақлифларни олға суради.

Дарҳақиқат, Ш.Неъматов эл қорига яраш олий бурч, деб билади. Марҳаматликлар яхши эслайдилар: у Тошкент Давлат университети журналистика факультетини тамомлаб, эндигина туман газетасида ишлаётган кунлар эди. Шунда унинг «Йўлдаги ўйлар» сарлаҳали танқидий мақоласи босилди.

Мақола шов-шувга сабаб бўлди. Чунки унда долзарб масалалардан бири - инсон саломатлигини ҳақорат қилган муаммоси кўтарилган эди: Шундоққона туман марказидаги аҳоли гавжум кўча ва майдонларда атлас кўйлақка чипта ямоқдек бўлиб ахлат уюмлари ётарди. Ариқларда сув олмагани сабабли, дарахлар қуриётганди, деворлар бузилган, гулзорлар қаровсиз. Бунга мутасадди ва масъул раҳбарлар эса парвои палак.

Туман ижроия кўмитаси мазкур мақолани кенгайтирилган мажлисда муҳокама қилди, лоқайдларга нисбатан чора кўрди. Барча оммавий ҳаётга даъват этилди. Натижада бир ярим ҳафта ичида нафақат туман маркази, ҳатто энг чека кишлоқлар ҳам тартибга келтирилди.

Шу-шу, Шукрулло Неъматов жамоатчилик назарига тушди. Туман раҳбарияти Неъматовни аввал редакцияда,



сўнг жамоат ташкилотлари ишида бир неча йил с и н о в д а н ўтказгач, уни Ниёзботир яқинидаги Полвонтош пойафзал фабрикасида директор этиб тайинлади. Ушанда корхона анча ўтириб қолган, энг яхши ишчилар бошқа корхоналарга ўтиб кета бошлаган, жамоа сергайрат, тadbиркор, одамлар меҳнатини қадрлайдиган, уларни бир мақсад сари йўллаш оладиган раҳбарга катта эҳтиёж сезиб қолган эди.

Шукрулло Неъматов ҳам корхона директори сифатида ишни меҳнат қилишини эъозлашдан бошлади. Шароит яхши бўлса, ишчининг қайфияти кўтарилади, унга жавобан самарангирок ишлаш зарурлигини ҳис қилади. Корхонада бозор талабига кўра ишлаб чиқариш технологияси ўзгартрилгани махсулот турларининг кўпайишига, сифатнинг яхшиланишига олиб келди. Корхона оёққа турди.

Шукруллодаги ишчанлик, янгиликка ўчлик, ҳаёт талабини тез пайқаш ва унга ҳозиржавоблик ҳислатларини пайқаш вилоят касаб уюшмалари кенгаши раҳбарияти 1998 йилда унга ўз тасарруфидоги «Химоя» газетасини бошқаришни тақлиф этди. Мана, икки йилдирки, у мазкур газетанинг муҳаррири.

Бу ерда унинг шахсий ҳислатлари кўзга янада равшан ташлана бошлади. Газетанинг мавқеи ҳам ошди. Унинг касаб уюшмалар ҳаётини ёритиш бўйича республика газеталари аро қуриқтанловда 2-ўринни олганлиги, вилоят миқёсидаги бир неча оммавий кўриқларнинг голиби бўлганлиги, «Химоя»нинг ҳозирги обрў-эйтиборидан дарак бериб турибди.

Газетага иқтидорли журналистларнинг пойқадами ёқди, дейди газетхонлардан Обиджон Расулов, - унинг бирор сонини ҳам қолдирмай ўқиб бораемиз.

Шукрулло жамоат ишларида фаол иштирок этишга одатланган. У ҳозир ўз асосий вазифасидан ташқари республика «Ишонч» газетасининг Андижон вилояти бўйича муҳбири. «Фидокорлар» миллий-демократик партияси вилоят кенгашининг котиби.

Шунча партиялар ичида нефа «Фидокорлар»га аъзо бўлгансиз? - сўрашдан ундан баъзилар. Шунда у ишонч билан жавоб беради:

- Менинг давлат, жамият, Ватан олдидаги, ёшлар бурчи ҳақидаги ўй-фикрларимга шу партия дастури тўла жавоб беради. Биз турмуш тарзимизда эркин фикрлаш жараёнини юзага келтирамиз, комил инсон маънавиятини шакллантирамиз, Ватан ва халқ ишига фидоийлик гоёсини тарғиб қилаемиз. Бу эса миллий юксалишимиз негизи ҳисобланади. Биз Шукрулло Неъматов Олий Мажлис депутатлигига номзод сифатида рўйхатга олинган, ундан номзодлик дастури нимадан иборат эканлигини сўраганимизда, у : «Бизнинг партиямиз халқ ва миллат дардига дармон бўлишни асосий шior қилиб олган. Менинг дастурим ҳам шундан келиб чиқади», - деб жавоб қайтарди.

М.АБДУКАРИМОВ.

Ижтимоий ҳимоя

Халқ ҳўжалигининг хар бир соҳасида қанчалик ўсишлар содир бўлаётганини, юртимиз ва шаҳар-кишлоқларимиз қанчалик ободонлашиб бораётганлигини, турмушимизда ҳам тегишли ижобий ўзгаришлар бўлаётганлигини хар биримиз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Пармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор берилган ҳолда вилоят, шаҳар, туман, бошланғич касаб уюшма кўмиталари вилоят халқ таълими бошқармаси, шаҳар, туман бўлимлари, ўқув юртлари ва улар тасарруфидоги таълим муассасалари маъмуриятлари билан ҳамкорликда тузилган шартномалар асосий таянчимиз бўлиб турибди. Улар ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, турмуш даражаси пайсийишининг олдини олишда, «Таълим тўғрисида»ги қонунни ҳамда «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этишда жуда кўл келмоқда. Ҳозирда 985та бошланғич ташкилотларда жамоа шартномалари тузилган бўлиб, уларнинг баъжарилши кўшма йиғилишларда муҳокама қилиниб, кўрсатилган барча шартларнинг бажариш чора-тадбирлари белгилаб борилаптир. Таълим ва фан ходимлари, талаба-ёшлар манфатлари ва ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан шуғулланаётган вилоятимиз кўмитаси

1337та бошланғич, 3та олий, 9та махсус ўқув юртлари, 5та шаҳар ва 19та туман касаб уюшма кўмиталарини бирлаштирган бўлиб, жами касаб уюшма аъзолари 90790 нафарни ташкил этади.

Вилоят касаб уюшма кўмитаси ўз маб-

йўқотган ночор оила-ларга ёрдам кўрсатмоқда.

Балиқчи туман касаб уюшма кўмитаси ўзининг хусусий чойхонасига, Марҳамат тумани эса кичик корхоналари, оҳақ заводи ва бўрдоқчилик фермаларига эга.

Хўжаобод туман хокимлигининг ташаббуси билан хар бир таълим муассасасига бир гектар ер ажратиб берилди. «Дилқушод» дам олиш оромгоҳи қайтадан таъмирланиб, вилоятимиз тармоқ ходимларига хизмат кўрсатиб келмоқ-

яқин Султонобод қишлоғида жойлашган «Электроапарат» заводига қарашли оромгоҳни сотиб олиб, бугунги кун талабига жавоб берадиган спортсоғломлаштириш оромгоҳига айлантирилди. У ерда қўмилиш ҳовузи, дам олиш хоналари, ошхона, ётғохоналар қайтадан таъмирланди.

Андижон чет тиллар педагогика институтига қарашли гўзал Хонобод шаҳрининг хушманзара табиат қўйнида жойлашган спортсоғломлаштириш оромгоҳи йилдан-йилга дам олувчиларни кўпроқ мамнун этмоқда. Бу йилга мавсумда санаторий-профилакторийнинг ташкил этилиши талаба ва ўқувчиларнинг дам олишларига жуда қулай шароит яратди.

Андижон Давлат университети ҳамда Андижон қурилиш техникумига қарашли оромгоҳлар ҳам қайтадан таъмирланди.

Бирок бу соҳада ҳам камчиликларимиз йўқ эмас. Биз ўқувчи ёшларни соғломлаштиришга янада кўпроқ эътибор беришимиз, бу соҳага маблағни кўпроқ ажратишимиз керак. Ёшлар бизнинг келажагимиз. Улар қанчалик яхши шароитларда ўқишса, шунчалик яхши билим олишади ва баркамол инсонлар бўлиб етишадилар.

Ш.ЙЎЛДОШЕВ,
Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси вилоят кўмитаси раиси.

ЖАМҒАРМА МАДАДИ

лағларини касаб уюшма аъзоларини ижтимоий ва моддий жиҳатдан ҳимоялаш учун сарфлашга қаратган. Касаб уюшма аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Избоскан ва Қўрғонтепа туманларида тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида алоҳида жамғарма ташкил этилган. Бу жамғарма ўзининг тасдиқланган Низоми асосида узоқ мuddат хастанлиб қолган, тасодиф туфайли ёки табиий офатдан зарар кўрган, боқувчисини

ШИРИН СЎЗ — ЖОН ОЗИГИ

Қаерда маънавий психологик муҳит яхши бўлса, дехон меҳнати юксак қадрланса, ўша ерда ишда унум, барака бўлади. Бунинг яхши тушинган Балиқчи туманидаги «Чинобод» жамоа ҳўжалиги бошқаруви касаб уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда аниқ тадбирларни белгилаб, изчил амалга оширмоқда. Тежамкорликка эътибор қўйилганиги, илгорлар таърибаси амалиётга кенг жорий этилганлиги меҳнаткашлар қайфиятига кайфият қўшиди, ташаббус кўрсатиб ишлашга қўрлади.

Касаб уюшма кўмитаси амалга оширган ибратли ишлардан бири далада сидқидилдан тер тўққан, юқори кўрсаткичга эришган кишилар даланинг ўзида моддий ва маънавий жиҳатдан рабатлантирилиб борилди. Хар беш кунда иш ҳақи тарқатилди. Шунингдек, тўй-маърака қилаётган, янги уй қураётган кишиларга имконият доирасида моддий мадад кўрсатилади.

Илгор таъриба кўнчилиқ мулки

тилди. Натижада кишилар касаб уюшмаси уларнинг чинакам ҳимоячиси эканлигига чўқур ишонч ҳосил қилдилар.

Бозор шароитида муаммоларни вақтида омиқкорлик билан ҳал этиш, заршунос, галлакор мушуқулдини осон этишда касаб уюшма ишчилиги алоҳида рол ўйнапти, - дейди таърибали бригадда бошлиги Мавжудан Тожибоева. - Айниқсон, кўп болали оиалар, ёрдамга муҳтож кимсалар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинганлиги кўнглимизни кўтармоқда. Натижа ҳам шунга яраша. Жорий йилда ҳўжалигимиз бўйича гектаридан 76 центнердан галла ҳосили олинди. Миришкорлар тақлифи билан 35 гектар ер такрорий экин учун ажратилди. Натижада чорва учун баракали озука базаси яратилди. Вилоят касаб уюшмаларининг бўлажақ қурултойида бизнинг делегатларимиз илгор таърибалирнинг оммалаштириш ҳамда ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти ҳақида алоҳида гапиришмоқчи. Аини пайтда биз Олий Мажлис ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзод этиб кўрсатилган вакилларимизни яқдил қўллаб-қувватламоқдамиз. Равшанки, Парламент жамиятининг ўзига хос нуҳусаси бўлиши керак. Эеро, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг рўёбга чиқишида ва жамият муаммоларининг ҳал этишда сиёсий фаоллик билан қатнашиш учун имкондир.

А.СОБИРОВ, бригада бошлиғи.

Ўзбекистон - Америка ҳамкорлиги

БИЗГА НЕГА ҚАВАС ҚИЛИШАДИ?

Корхонамиз 1994 йилгача Чинобод ип йиғирув ва тўқув фабрикаси номи билан «машҳур» эди. Унинг махсулоти ўтмас мато бўлиб ётар, корхона қарзга ботиб, ишчиларга ҳақ тўлашга қийналиб қолган эди.

Мамлакатда иқтисодий ислохотлар кенг қанот ёзиши, хусусий мулкчилик ва моддий манфаатдорликка кенг йўл очилиши муносабати билан фабрикамиз ҳиссдорлик жамиятига айлантирилди. Ушанда жамоамиз директорликка Хайитбой Абдулхамидовни танилаб адашмаган экан. Унинг ишчанлиги, янгиликка ўчилиги, изланувчанлиги ишимизга барака киритаяпти.

Ҳозирда фаолиятимиз «А.Навоий-интернейшнл» кўшма корхонаси номи билан ҳам юритаилади. Шу муносабат билан корхонамизга Аме-

рият билан жамоа шартномаси тузилган. Йилнинг хар чорагида директор ва мен шартнома талабларининг қандай бажарилаётгани ҳақида жамоа олдида ҳисоб берамиз.

Хўш, ишчиларимиз қандай шарт-шароитда меҳнат қилишмоқда?

Дид билан қурилган ва яхшилаб безатишган ошхонамизда хар кун бепул тушлик берилади. Машиқ, савдо ёки тиббий хизмат учун Чинобод маркази ёки Балиқчи

бурч, чойхона ва дорихона бор. Ишчи-хизматчи даволанишга муҳтож бўлса, шартнома асосида шифохоналарда ажратилган жой ҳам бор. Балиқчи туманидаги шифохоналар билан вилоят клиникасида жами 67 ўрин учун олдиндан пул тўлаб қўйилган.

Хар бир цехда дам олиш хоналари мавжуд. Ишчи-хизматчилар махсус иш кийимлари билан таъминланган, хар кун белгиланган миқ-

дорда сут ва сут махсулоти бериб турилади. Касаб уюшма ташкилоти худди шу мақсаднинг ўзига жорий йилда бир миллион сўмдан кўпроқ пул ажратди. Ишга келиб-кейтиш учун корхона 4 та автобус ажратган.

Маошларимиз чакки эмас, белгиланган мuddат ҳеч қачинирилмай ойлик иш ҳақларини олиб турибмиз. Бундан ташқари тўй қиладиганлар тўна олиб туришади.


Ҳиссдорлик жамияти аъзолари касаб уюшма ташкилоти ва маъмурият ташаббуси билан «Раҳм-шафкат» жамғармаси ташкил этилганидан мамнун. Чунки кам таъминланган оиаларга, хар хил маросимларнинг ўтказилишида жамғарма кўмаги катта бўлаяпти. Шу йилнинг

ўтган даврида жамоа аъзоларига жамғарма томонидан 200 минг сўмга яқин ёрдам пули берилди.

Жамоамиз ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, даромадини тагин ҳам кўпайтириш, маиший шароитни яхшилаш режалари билан яшаяпти. Ҳозирги кунда Россия, Украина, Хитой, Япония, Америка каби йирик мамлакатларнинг турдош корхоналари билан яқин алоқа боғланганимиз. Касаб уюшма ишлари, ўйлаш-манки, иқтисодий шерикчилик асосида бундан буён ҳам такомиллашиб бораверади.

Х.ИСМОИЛОВ, Чинобод ип йиғирув ва тўқув ҳиссдорлик жамияти касаб уюшма кўмитаси раиси.





Кўлни қўлга берайлик, Буюк келажак сари Дўстлик бизни қўлласин. Тарих бизни йўлласин.

«ТўМАРИС МОМОМИЗ КАБИ БАРКАМОЛ БЎЛАЙЛИК»

«Тўмарис» аёллар фестивалида 11 турдаги миллий спортимиз ҳамда халқ уйинлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, уларнинг олтигасида яқка тартибдаги голиблар аниқланди.

Урозоқ Шербоева - 1979 йилда Сурхондарё вилояти Шербод туманида туғилган. Ёшлигидан отаси Жума ака Шербоев мураббийлигида миллий кураш билан шуғулланиб келмоқда.

Ушбу фестивал барча Ўзбекистон хотин-қизлари учун аёллар йилида энг қувончли спорт байрами бўлди. Байрам туйғули турли вилоятлардан кўпбал дугоналар орттиришга муяссар бўлди.

Аёлларимизга хос бўлган миллий спорт турларимиздан яна қайсилар фестивал дастурига киритилса мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайсиз?

Ташкилотчиларимизга бир илтимосим бор - вилоятимиз қизлари орасида миллий курашимиз тобора оммавийлашиб бормоқда.

Дилором Қамбарова - 1981 йили Андижон вилояти Асака туманида туғилган. Андижон Давлат Университетининг жисмоний маданият факультети талабаси.

«Тўмарис» фестивали қадриятларимиздан бири ҳисобланган - миллий халқ уйинларимизнинг аёлларимиз ўртасида ҳам кенг ёйилишига сабаб бўлаётди.

Жиззахлик дугоналаримиз халқ уйинларини жуда яхши ўзлаштирганлиги, барча рақиблардан устун эканлиги бахслар давомида сезилиб турди.

Фестивалга қандай тақлифларингиз бор? Миллий спорт турларидан кураш ҳамда «Ок теракми - кўк терак», «Чиллак» каби халқ уйинлари ҳам киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Бешик кучган Она фарзандига меҳр билан боқар экан, лаблари аста шивирлайди:

Алла айтай, бор бўлсин алла, Қўйни тўла нор бўлсин алла. Қўйнидаги норига жоним, қўзим, алла, Авлиёлар ёр бўлсин алла...

Мен сени алла қилай, алла Кўтариб катта қилай, алла. Худойим умрингни берсин, Ўқитиб мулла қилай, алла...

Неча асрлардан буён моларимиз бизга мерос қилиб қолдирган бешик фарзандли хонадонларнинг алоҳида кўрки ҳисобланиб келинди. Ўзбек халқида бир нақл бор: «Бешик боласи - бек боласи».

БЕШИК КУЧГАН ЎЗБЕК АЁЛИ

Бешик аста чайқаларкан, гўдак танагининг бир меъёрида тебранишини таъминлайди. Бешик устидаги узунасига қўйилган суянғич эса юқоридан тасодифан тушиб кетгүвчи буюмлардан гўдакни химоя қилиб, зилзилалар пайтида турли зарбалардан асраб келган.

Бешик аста чайқаларкан, гўдак танагининг бир меъёрида тебранишини таъминлайди. Бешик устидаги узунасига қўйилган суянғич эса юқоридан тасодифан тушиб кетгүвчи буюмлардан гўдакни химоя қилиб, зилзилалар пайтида турли зарбалардан асраб келган.

Хозирги расм бўлиб бораётган гўдаклар таглиги, яъни «памперс»ларнинг ноўрин қўлланиши болалар оёқ суянғининг қийишқ ўсишига сабаб бўлмоқда.

лиятини белгилаб туради. Девори мустаҳкам бўлмаган иморат қўлгагинадек, умуртқа пақонаси нотўғри ривожланган гўдак кейинчалик турли касалликларга берилувчан бўлиб қолади.

Кўлбоғчўп асосан жийда ёки беҳи шохидан тайёрланади. Кўлбоғ тикишга қалин мато олинади, чунки гўдакнинг қўл ва оёқлари ни маҳкам ушлаб туришга юқа мато ярамайди.

Тўшак асосан пахта солиниб тикилади, баъзи вилоятларда пахта ўрнига ювиб тозаланган, сўнг таралган қўй юни солинади. Тўшак устидан махсус тикилган чойшаб солинади.

Гўдакни бешикка белаш ҳам маълум кунлари амалга оширилади. Булар асосан гўдак ҳаётининг 9-ёки 11-кунига тўри келади.

бўлиб келган, ойна эса бахт-саодат рамзи бўлган. Пичоқ эса куч-қудрат тимсоли бўлиб, алоҳида тарихга эга. молларимиз фарзандлари моҳир аскар бўлиб етишишлари учун, ўғил туғилганда кичик ханжар ясаттирилганлар. Уни «Болам пичоғи доим ўткир бўлсин» дея бешик ёстиги тагига қўйганлар.

Мана неча асрки ўзбек аёли бош эгди бешик устида. Бешик қанчалик эски бўлса, шунчалик хосиятли ҳисобланади. Бежиз эмаски, оналар бешикни фарзандларидан сўнг набиралари учун асраб қўядилар.

Оқ ойдин кечалар, аллаё, алла, Оппоқ ойдин кечалар, эркатойим, алла. Гул билан райхон бурқайдир, алла, Қўзим ўтган кўчалар, алла...

Шоҳида ТУРДИЕВА.

МАРОҚЛИ КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқитувчи ҳамда ўқувчилари асарлари кўрғазмаси очилди.

Узоқ йиллар Маданият ишлари вазирлигига қарашли бўлган бу ўқув муассасаси икки йил муқаддам Президентимиз фармонида баноан Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфига ўтди.

«Етуқлик аттестати» билан бирга, мутахассислик бўйича гувоҳнома ҳам олади.

Лео Венн

СИЗНИ ИШОНТИРИБ АЙТАМАНКИ...

Ҳажвия

Тиш доктори қабулига келган кишининг ранги доқадай оқариб кетган эди. У секингина «салом» деди-ю, бемор ўтқазиладиган кресло тепасида осилиб турган тиш бурғулоччи асбобга ваҳима аралаш қараб қўйди.

Врач унга жилмайиб қаради. У доимо кулиб туриши керак, акс ҳолда мижоз ўзидан кетиб қолиши ҳам мумкин.

— Хўш, қайси тишингиз огриятти? — сўради врач мулойимлик билан.

Келган киши қўрқув аралаш жанини силаб қўйди.

— Ха, демак, ақл тишингиз огриётган экан. Хозир кўриб қўямиз...

У киши сезилар-сезилмас титраб деди:

— Биласизми, мен...

— Бироз кўрқокман, демоқчисиз-да. Ҳеч қисси йўқ, азизим, ўтиб кетади. Аслида тиш докторидан кўрқмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Кўпгина кишилар...

— Лекин мен...

— Тинчланинг, дўстим, тинчланинг. Демоқчиманки, кўпгина кишилар тишни даволатишни чидаб бўлма азоб-уқубат деб нотўғри хаёлга борадилар. Аслида бундай эмас. Биз, тиш докторлари...

— Гапимга қулоқ соласизми,

йўқми? — сўради «бемор» бетоқатлашиб.

— Ўзингизни босинг, азизим! — деди врач у кишининг гапини бўлиб, — гапираверсангиз, ўз-ўзингиздан ҳаяжонланиб кетаверасиз. Биз — тиш докторлари, баъзи карикатураларда тасвирланганидек, қонхўр жаллод ҳам, одамхўр ҳам эмасимиз. Ўз бурчининг ҳалол бажарадиган, беморлар дардига шифо берадиган кишиларимиз. Сизни ишонтириб айтманки...

— Аммо биласизми, мен...

— Барибир кўрқаяман демоқчисиз-да. Биламан, биламан, бироқ кўрқашга сираям ҳожат йўқ. Сизни ишонтириб айтманки, пашша қаққанчалик ҳам огриқ сезмаймиз.

Врач қабулига келган кишининг сабр қосаси лиммо-лим тўлиб кетди.

— Қўйсангиз-чи бунақа гапларни! — деди у зарда билан ўрнидан сакраб тураркан, — менга далда беришинг ҳожати йўқ. Қанақалигимни ўзим яхши биламан. Бу ерга мен...

— Хўш, хўш?

— Мен сизга ҳамкасаба бўлиб келдим. Мен ҳам тиш докториман.

Олмон тилидан Йўлдош ПАРДА таржимаси.

Бухорода тиббиёт билим юртлари ва коллежларида амалий таълимни тақомиллаштиришга баешиланган республика анжумани очилди. Унда мамлакатимиздаги барча тиббиёт билим юртлари ва коллежлари раҳбарлари, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари иштирок этмоқда.

АМАЛИЙ ТАЪЛИМ ЭЪТИБОРДА

Анжуман қатнашчилари икки кун давомида тиббиёт билим юртлари ва коллежларида амалий таълимни давр талабига мос равишда ривожлантириш ва тақомиллаштириш, машгулотларда талабаларнинг мустақил фикр юритишини таъминлаш, ўқув-ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни жорий этиш каби мавзулардаги маърузаларни тинглайди, ўзаро тажриба алмашади.

«Туркистон-пресс»

Футбол

94-ЙИЛ ҚУВОНЧИ ҚАЙТАРИЛАРМИКАН?

Маълумки, XII Осиё чемпионати финал баҳслари келгуси йилнинг октябр ойида Ливан пойтахти Байрутда бўлиб ўтади. Унда иштирок этиш ниятини билдирган Осиёнинг 44 мамлакат вакиллари қуръа натижаларига қараб 10та гуруҳда чемпионатнинг финал босқичига берилажак 10та ийўлланма учун кураш олиб борадилар.



Миллий терма жамоаси эса 3-гуруҳда, Бирлашган Араб Амирликларида Бангладеш, Ҳиндистон, Шри-Ланка ва мезбонлар (БАА) миллий терма жамоаларига қарши майдонга тушадилар. XX асрнинг сўнги умиди сифатида эътироф этилаётган мазкур саралаш баҳсларида футболчиларимизга асосий рақиб мезбонлар, яъни БАА терма жамоаси ҳисобланмоқда. БАА миллий терма жамоасининг сўнги йилларида жаҳон майдонларида муваффақиятли тўп сураётганликлари

ҳеч кимга сир эмас. Бунинг устига мусобақа тақвими тузилиши ҳам мезбонлар фойдасига хизмат қилади. Бироқ, нима бўлганда ҳам ҳамюртларимиз учун ўша «Хиросима-94»даги «юриш»ларини давом эттириш вақти етди. Зотан, кунни кеча сафарга отланган терма жамоамиз таркибидан М.Қосимов, А.Фёдоров, П.Буғало, М.Шақкиҳ, А.Маъруфалиев, А.Ақопян каби маҳоратли ва истеъдодли футболчилар ўрин олган.

Улар ортида эса миллионлар ўйинининг миллионлаб муҳлислари умидвор кўз тикиб туришибди. Кунни кеча миллий терма жамоамиз БАА пойтахти Абу-Дабида йўл олишди. Қуйидаги футболчилар юртимиз шарафини химоя қилдилар: Буғало, Фёдоров, Давлетов, Фёдоров, Хвостунов, Лушан, Пирматов, Қосимов, Ширшов, Д.Файзиёв, Узоқов, Саюн, Маъруфалиев, Р.Бозоров, Шақкиҳ, Ирисметов, Раҳмонқулов, Ақопян, Турсунов, Маталиев.

К. ОЛЛОЁРОВ.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

- 21 ноябр: Бангладеш - ЎЗБЕКИСТОН БАА - Ҳиндистон
23 ноябр: Шри-Ланка - ЎЗБЕКИСТОН БАА - Бангладеш
25 ноябр: Шри-Ланка - Бангладеш Ҳиндистон - ЎЗБЕКИСТОН
29 ноябр: Ҳиндистон - Бангладеш БАА - Шри-Ланка

БМТ: ЯНГИ МИНГ ЙИЛЛИК БЎСАҒАСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2000 йилда янги минг йиллик бошланishiга бағишлаб қатор тадбирлар ўтказиши мўлжалланмоқда. 1998 йилнинг сентябр ойида қабул қилинган қарорга мувофиқ, 2000 йилнинг 5 сентябрыда Нью-Йоркда очиладиган БМТ Бош ассамблеясининг 55-сессияси минг йиллик Ассамблеяси деб номланади.

2000 йилнинг 6 сентябрыда жаҳондаги давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари БМТ қароргоҳида минг йиллик саммитига қўлланишди. Олий даражадаги раҳбарлар иштирокидаги ушбу учрашу энг йирик тадбирлардан бири ҳисобланади.

қабул қилинадиган қарорларни рўёбга чиқаришнинг долзарб чора-тадбирлари Ассамблея ва саммитда атрофича муҳокама қилинади. БМТ Бош котиби Кофи Аннанинг маълум қилишича, минг йиллик Ассамблеяси «жаҳондаги раҳбарларга ўз кундалик ташвишларидан тепарооқа назар ташлаб, янги минг йилликда қай тарздаги БМТни қўллаб-қувватлашларини кўришга қўлай имкон беради».

2000 йилнинг 22-26 май кунларида БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида сайёрамиздаги ноҳукумат ташвишлорлари саммит даражасидаги тадбир - минг йиллик Форуми ўтказилди. Унда башариятнинг глобал муаммоларини ечиш устида ишлаётган ва БМТ, унинг дастурлари, бўлинулари билан

ҳамкорлик қилаётган фуқаролик жамиятларининг турли гуруҳдаги вакиллари иштирок этади.

Минг йиллик Ассамблеясига минтақавий қўламда тайёргарлик бутун дунёда ўтказилади. Аввал хабар берганимиздек, шу йилнинг июл ойида Женевада Европа минтақавий муношу хилдаги тадбир 2000 йилнинг январида Чикаго шаҳрида бўлиб ўтади. Ушбу мунозаралар, иштирокчилар нукта-назар ва тақлифларининг яқуни матбуотда ёритилади. Шунингдек, у БМТ Бош котибининг минг йиллик Ассамблеясига тайёрладиган маърузаси учун асос бўлиб хизмат қилади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб - «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсатқачи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди на саҳифаланди. Офсет усулида бошланди. Бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёти - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 21.30